YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

*Халқимиз сизлар каби мард ва жасур ҳарбийларимиз тимсолида Ватанни ҳимоя қилишдек дунёдаги энг улуғ ишни шараф билан адо этиб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюк аждодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган она юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

2025-yil
14-yanvar
seshanba
№7
(5071)

**Куннинг муҳим воқеаси**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан 13 январь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.**

Абу-Даби халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди.

Ташриф дастурига мувофиқ 14 январь куни Ўзбекистон Президенти «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитида иштирок этади.

БААнинг етакчи ташкилотлари, компания ва банклари раҳбарлари билан учрашувлар ҳам режалаштирилган.

15 январь куни олий даражадаги музокаралар бўлиб ўтади.

**ЎзА**








ЎзА фотомухбири Жамшид НОРКОБИЛОВ олган суратлар.

## ТИНЧЛИГУ ҲУРЛИККА ПОСБОН АРМИЯ

*Метиндай мустаҳкам қўрғон армия,*
*Ватаннинг ҳолини сўрғон армия.*

*Катта бир қўшинни маҳв этган Широқ,*
*Мудом озодликка қалқон армия.*

*Ёвни довдиратган ёвқур баҳодир,*
*Спитамен – марди майдон армия.*

*Иймони саломат Нажмиддин Кубро,*
*Шаксиз Жалолиддин Султон армия.*

*Адолат бирла эл-юртлар сўраган*
*Амир Темур Соҳибқирон армия.*

*Дукчи эшонларнинг ўтлиғ армони –*
*Муаззам Туркистон, Турон армия.*

*Жадидларнинг очиқ кетган кўзлари –*
*Кўкдан боқиб турган чўлпон армия.*

*Халқ билан армия бир тану бир жон,*
*Тинчлигу ҳурликка посбон армия.*

*Бирлашсак, бўлинмас Ватан ҳеч қачон,*
*Ватан дер, Ватан дер ҳар он армия.*

*Мамлакат таянчи, халқимиз фахри,*
*Шавкати оламга достон армия.*

**Ғайрат МАЖИД**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ҲАМДА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Дедахонов Мусохон Алёрович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Исмоилов Бахтиёр Ахмаджонович** – Фарғона вилояти прокурори

**Расулов Фаррух Садуллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Сайипов Бектош Рахимович** – Қашқадарё вилояти прокурори

**Тошқораев Олим Эшмўминович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бош сержанти

**Умурзаков Шароф Кучиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хизмат бошлиғининг ўринбосари

**Эгамбердиев Музаффар Эминович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори

**Эгамёров Фарходбек Абдумаликович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари – бўлим бошлиғи

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Пирматов Алишер Ашурматович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий девони бошқарма бошлиғи

### «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Акрамов Аббосжон Ахтам ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиси

**Иргашов Бахтиёр Эркинович** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Исаков Алишер Рахматуллаевич** – Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ қутқарувчи-йўриқчиси

**Мухитдинов Исломбек Зафарбек ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряд командири

**Суярқулов Равшанбек Суярқул ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ўринбосари

**Тошматов Зафарбек Анварович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрилья командирининг ўринбосари

**Утегенов Дауран Аймуратович** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

**Шарипов Жавлонбек Ҳакимжон ўғли** – Тошкент шаҳри Бектемир тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати инспектори

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Нодиржон Абдитолиб ўғли** – Тошкент вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

**Ахмедов Баҳриддин Ҳошимович** – Самарқанд ҳарбий судининг раиси

**Бакиров Шокир Кучкарович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд катта ҳайдовчи-қутқарувчиси

**Дадахонов Хамидулло Вахобович** – Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Джумабаев Бахром Курбаналиевич** – Тошкент вилояти Нурафшон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Жумабаев Шерзод Авазович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм секция командири

**Камалов Абдурасул Анварович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика қутқарув маркази отряд катта йўриқчи-қутқарувчиси

**Минажов Реймбай Отеулиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

**Мирзаалимов Нишанмурод Мухтарович** – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

**Парманов Абдумалик Паттоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Позилов Одил Самадович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Режепов Бекполат Мамитович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Соатов Фазлиддин Суннатиллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бўлим бошлиғи

**Султонов Ойбек Султонбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Тилабов Баҳодир Самандарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлими бош сержант ёрдамчиси

**Ўсаров Обиджон Комилжон ўғли (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Худжақулов Дилмурот Панжиевич** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи

**Хўжамқулов Абдивахид Мусаевич** – Сурхондарё вилояти Божхона бошқармаси бўлим бошлиғи

**Шафиев Ренат Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги марказ бошлиғи

### «СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Каримова Саида Мўхтар қизи** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм бўлим катта офицери

**Холбеков Хайтбек Ойбек ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бошқармаси бўлим инспектор-психологи

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Артиков Шерзод Бахтиярович** – Хоразм вилояти Қўшкўпир тумани прокурорининг ўринбосари

**Жумаев Шароф Норчаевич** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Қашқадарё вилояти бошқармаси суриштирувчиси

**Зарипов Маратжон Ризаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Қамбаров Ботиржон Шермахамматович** – Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Махкамбаев Абдулла Абдисаматович** – Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси техник таъмирлаш қисми бошлиғи

**Пўлатова Азизахон Мурот қизи** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм гуруҳ катта офицери

**Саидов Сардор Сайдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Санаев Бегзот Юсубович** – Сирдарё вилояти Ширин шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи

**Султанова Жамила Машариповна** – Хоразм вилояти маъмурий судининг раиси

**Тошпулатов Султон Эшниёзович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бошқармаси қўриқлаш бўлими ҳайдовчиси

**Усмонов Шухриддин Холиқович** – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Қарши шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими катта уста-қутқарувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2025 йил 13 январь*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган**

**12-11**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га**

**мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**





Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу ғурбат ҳавас айлама.
**Алишер НАВОИЙ**



**Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги муносабати билан Касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида тадбир ташкил этилди.**

# Ҳар бир ўғил-қизнинг бурчи

Талабалар билан жонли мулоқотда Тошкент ҳарбий округи психологи Акмал Зоиров фақатгина чуқур билим эгаллаш орқали ёшлар фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ҳисса қўшишлари мумкинлигини айтиб ўтди. Улар нималардан огоҳ бўлишлари зарурлигига ҳам тўхталиб, ватанпарварликни кучайтиришга хизмат қилувчи таъсирли воқеалардан сўзлаб берди.

Шундан сўнг фаол ҳамкорлиги ва талабаларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга қўшаётган ҳиссаси учун Тошкент ҳарбий округининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ва оркестри жамоаси академиянинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Ҳарбий оркестрнинг чиқишлари, янграган куй-қўшиқлар ва талабалар намойиш этган ижодий саҳна кўринишлари тадбирга файз киритди.

**Зебо НАМОЗОВА**
*«ISHONCH»*








Эл-юрт осойишталиги, Ватан ҳимояси йўлидаги жасорат ҳеч қачон унутилмайди.

# Хотирадан ўчмас ёдингиз

1985 йилда Поп туманининг «Ором» маҳалласида туғилган Аҳрор Пардаев болалигидан ҳарбий бўлишни ният қилиб, ушбу касбни ўзининг ҳаёт тарзига айлантирган эди. У 2012 йилда Жиззах вилоятининг Бахмал туманида хизмат вазифасини бажариш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бугун унинг номини оила аъзолари, икки нафар фарзанди ҳамда маҳалладошлари эҳтиром билан хотирлашади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши ҳамда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси унинг оила аъзоларидан ҳол-аҳвол сўраб, байрам билан муборакбод этдилар.

Самимий суҳбат давомида қўрқмас ва довюрак Ватан ҳимоячисининг инсоний фазилатлари ёдга олинди.

– Ҳеч ким фарзанд доғини кўрмасин, – деди қаҳрамон йигитнинг онаси Ортиқжон Маъмурова. – Ватан ҳимояси йўлида жон фидо қилиш – олий шараф. Шунинг учун ҳам, ўғлимнинг ёш умри беҳуда хазон бўлмади. Берган оқ сутимга розиман. Илоҳим, ҳар бир кунимиз тинч-осойишта ўтсин, аскар ва зобитларимиз ўз оиласи бағрига соғ-омон қайтишсин.

**Зафарбек ЖЎРАЕВ,**
*Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси*

# Муқаддасдир Ватан тупроғи

### ОТА-БОЛА ҲАРБИЙЛАР



Ҳарбий хизматнинг машаққати ва ўзига хос шарафини ҳаммадан ҳам кўпроқ нафақадаги ҳарбийлар яхши билишади.

Миллий армиямизда кўп йиллик тажрибага эга захирадаги подполковник Адилбек Бабаевнинг ҳарбий соҳадаги хизмати ёшлар учун бир мактаб. Нукус шаҳрида зиёли оилада вояга етган Адилбек Бабаев болалигини шундай эслайди:

– Болалигимда онам бизга достонлар айтиб берарди. Ўшанда ундаги қаҳрамонларни ўзимча тасаввур қилардим ва уларга ўхшагим келарди. Отам таҳририятда, онажоним эса Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясида фаолият юритарди. Уйимизда китоблар кўп эди. Хонадонимизга зиёли инсонлар тез-тез келиб туришарди. Уларнинг ватанпарварлик ва яхшилик ҳақидаги суҳбатлари менда ҳаяжон уйғотарди. Ана шундай муҳит ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ҳарбий бўлишни, Ватанга хизмат қилишни кўнглимга тугиб қўйдим. Ҳарбий хизматни ўзимизда, Нукусда ўтадим. 1993 йилдан ҳарбий фаолиятим бошланди. Взвод командиридан округ қўмондони ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтдим. Сўнгги йилларда ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар қалбда фахр туйғусини уйғотади. Биз хизмат қилган вақтда бунақанги шароитлар йўқ эди. Ҳозир Қуролли Кучларимиз ислоҳ қилинган, сарҳадларимиз мустаҳкам ҳимояланмоқда. Ёшларимиз юртга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбияланмоқда. Пенсияда бўлсам-да, ҳарбий хизматчиларга, навқирон авлодга панд-насиҳатлар бериб, касбий кўникма ва тажрибаларимни ўргатиб келяпман.

«От изини той босар» деганларидек, қаҳрамонимизнинг ўғли Алибек ҳам ҳарбий. Унинг Ватан олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, «Жасорат» медали билан тақдирланган.

Инсон қайси касб ёки соҳада фаолият юритмасин, жамоада ўз ўрни ва мутахассислигига эга бўлиши зарур. Адилбек Бабаев ана шундай инсонлардан.

### ОТА КАСБДАН ҲАРБИЙЛИК САРИ...



Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг сафарбарлик чақирув резерви тиббиёт пункти раҳбари, тиббий хизмат катта лейтенанти Гулойим Калмурзаевани округдагилар «жасур қиз» деб таърифлашади. Ёш бўлишига қарамай, ўз ишини пухта эгаллаган Гулойим хушфеъллиги билан ҳурмат қозонган. Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг 5-босқичида таҳсил олаётган қизнинг орзулари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги «Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг ўзгарди. У таҳсилни Қуролли Кучлар ҳарбий тиббиёт академиясида давом эттиришга аҳд қилди.

– Ўқишни тугатиб, фаолиятимни бошлаганимга икки йил бўлган бўлса-да, бу жой менинг иккинчи оилам. Горнизонда яратилган шароитлар ҳар жиҳатдан талабга жавоб беради ва госпиталда ўз касбининг етук мутахассислари фаолият юритади, – дейди Гулойим Калмурзаева. – Аслида, отажонимга ўхшаган жарроҳ бўлишни хоҳлагандим. Буни қарангки, таҳсил вақтида Президентимизнинг тегишли қарори асосида ҳарбий тиббиёт академиясининг ташкил этилиши мени ҳарбий шифокор бўлишга ундади. Қароримни уйдагиларга маълум қилганимда, отажоним оқ йўл тилади. Ҳозир севимли касбим ва оилам бор. Турмуш ўртоғим тадбиркор, ҳар доим мени қўллаб-қувватлайди.

Билим ва малакасини тинмай ошириб келаётган қаҳрамонимиз жисмоний машқларда ҳам йигитлардан асло қолишмайди. У республика миқёсида ўтказиладиган турли мусобақаларда ғолиблар сафидан жой олиб келмоқда. Жумладан, 2023 йилда Мудофаа вазирлигининг «Мен ғолиб» шиори остидаги армия ўйинлари ҳамда 2024 йилги округлараро ўқ отиш йўналиши бўйича мусобақаларда жамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритган.

Гулойим бўш вақтида қўлига дутор олиб, миллий куйларни ижро этишни ҳам хуш кўради.

### БОБОМЕРОС ҚАДРИЯТ



Кичик сержант Фазлиддин Мажидов Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманидан. У салкам етти йилдан буён Шимоли-ғарбий ҳарбий округнинг Нукус горнизонида хизмат қилиб келмоқда.

– Дадам Бахтиёр Хурсанов биринчи устозим бўлади. Эсимда, 5-синфда эдим, дадам мени мактабимиз спорт залига олиб борди ва жисмоний тарбия ўқитувчисига топширди. Шу-шу спортнинг кураш тури билан шуғулландим, – дейди Фазлиддин Мажидов. – Ҳарбий хизматдан кейин горнизонда қолдим. Бу ерда округ спорт раҳбари Шаҳриёр Искандаров, шунингдек, сафдошларим Муҳаммадали ва Аслиддиндан тош кўтариш сирларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилдим. Округ, Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда тош кўтариш, кураш, чавандозлик бўйича фахрли ўринларни қўлга киритдим. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардим, замонавий спорт залларида жисмоний машқларни бажарамиз, жанговар тайёргарлик, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланамиз. Билим ва малакамизни ошириш учун имкониятлар етарли.

Қорақалпоқ давлат университетининг жисмоний маданият йўналишида сиртдан таҳсил олаётган Фазлиддин турли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиб келмоқда. Жумладан, 2020 йили Россияда ўтказилган мусобақада (чавандозлик йўналиши бўйича) умумжамоа ҳисобида 2-ўринни қўлга киритган ва «2-даражали намунали хизматлари учун» медали билан тақдирланган. Бундан ташқари, тош кўтариш бўйича Андижон ва Қирғизистонда ўтказилган жаҳон чемпионатларида ҳам фахрли 1-ўринни қўлга киритган. 2020 йили от спортидаги марафонда муносиб иштирок этгани учун Президентимиз томонидан олтин соат билан тақдирланган.

«Йигит кишига қирқ ҳунар оз», дейишади. Миллий қадрият саналган чавандозлик Фазлиддинга бобомерос. У улоқ-кўпкари каби қадимий халқ ўйинларида ўз маҳорати билан майдондагиларни ҳайратга солишда давом этмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ютуқ ва марраларда Қуролли Кучларимиз ва уларнинг сафларида ўз вазифаларини сидқидилдан адо этаётган минг-минглаб ҳарбийларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биз улар билан фахрланамиз!

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*



**Қуролли Кучлар ташкил топганининг 33 йиллиги байрами арафасида Миллий гвардия Тошкент вилояти бўйича бошқармасининг отхона ва от спорти манежи очилиши маросими бўлиб ўтди.**

# Ҳавасингиз келади



Куннинг биринчи ярмида умумтаълим мактабларидаги махсус ҳарбий синфларнинг 100 нафардан зиёд ўқувчилари учун экскурсия ташкил этилди. Улар ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар кўргазмаси, камондан отиш, тоғ тайёргарлиги анжомлари, кинологлар маҳорати ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

– Ҳозир ёш авлод учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, одамнинг ҳаваси келади, – дейди Миллий гвардия Тошкент вилояти бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Мақсуд Исомиддинов. – Бир пайтлар бунақа шароитлар бизларга орзу эди.

Куннинг иккинчи ярмида эса, Миллий гвардия Тошкент вилояти бўйича бошқармаси отхона ва от спорти майдонининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда от спорти намойиш қилинди, мусобақа ўтказилиб, ғолиблар эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

**Алишер ШЕРАЛИЕВ,**
*Миллий гвардиянинг Тошкент вилояти бошқармаси матбуот хизмати бош мутахассиси*

# Оламда

## Трамп ва Путин гаплашмоқчи



10 январь куни АҚШнинг янги сайланган президенти Дональд Трамп Флоридадаги Мар-а-Лаго қароргоҳида Россия президенти Владимир Путин билан музокараларга тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, жараён аллақачон бошланган.

«Президент Путин учрашувни истаётганини омма олдида ҳам айтди. Биз бу урушга чек қўйишимиз керак», деди Трамп.

Учрашув қачон ва қаерда бўлишини аниқ айтмаган Трамп можаро «яқин келажакда» тугаши кераклигини яна бир бор таъкидлади.

Шунингдек, Трампнинг бўлажак миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Майк Уолц яқин кунларда ёки ҳафталарда Путин билан телефон орқали суҳбат бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. «Бу биринчи қадам бўлади, кейин нима бўлишини кўрамиз», деди Уолц.

## Жанубий Кореяда намойишлар



Сеулда минглаб намойишчилар яна акция ўтказишди. Улар пойтахтнинг тарихий Кванхвамун ёдгорлиги яқинида йиғилиб, президент Юн Сок Ёлни ҳибсга олишни талаб қилишди. Уларга кўра, у ҳарбий ҳолат жорий этилишига доир жиноий иш бўйича сўроққа боришдан бош тортган.

Жанубий Корея суди аввалроқ мамлакат тарихида илк бор амалдаги президентни ҳибсга олиш учун ордер берганди. Аммо хавфсизлик хизмати бу қарорни бажаришга йўл қўймаган. Кейинчалик ҳуқуқ-тартибот органлари бу қарорни ҳуқуқий жиҳатдан баҳсли деб ҳисоблаб, уни амалга оширишдан бош тортган.

## Сурияда таълимни бепул қилиш



Сириянинг янги ҳукумати мамлакатда таълимни бепул қилишга интилмоқда. Бу ҳақда Сурияннинг ўтиш ҳукумати таълим вазири Назир ал-Қодирий маълум қилди.

«Ҳукумат таълимни бепул қилишга ҳа-



**Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.**

**Абдулла АВЛОНИЙ**



# ҲАЁТ БУЛОҒИГА ҚУЮЛАЁТГАН ОҒУЛАР



Яқинда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида «Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

***Хўш, нега айнан бугун шундай қонунга эҳтиёж пайдо бўлмоқда?***

Бу саволга жавоб беришдан аввал мавзуга доир айрим рақамларни эслаш, таҳлил қилиш ва мулоҳаза юритишга тўғри келади.

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнгги маълумотларига кўра, биз катта эҳтиром билан кузатиб қўйган 2024 йилда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ортидан 2,6 миллион киши ҳаёт билан видолашган. Бу дунёдаги барча ўлим ҳолатларининг 4,7 фоизига тенг ёки Фижи, Янги Каледония, Эстония деган давлатларнинг жами аҳолисидан бир неча баробар кўп, деганидир.**

Таҳлилларда келтирилишича, ҳозир Ер юзи аҳолисининг қарийб 400 миллиони алкоголь ва гиёҳванд моддалар истеъмолидан азият чекади. Уларнинг 209 миллион нафари спиртли ичимликларга қарам.

Биргина 2019 йилнинг ўзида алкоголь билан боғлиқ ўлимнинг тахминан 1,6 миллиони юқумли бўлмаган касалликлар, жумладан, 474 мингтаси юрак-қон томир ва 401 мингтаси саратон хасталиклари туфайли содир бўлган.

Яна 724 минг киши турли жароҳатлар, хусусан, йўл-транспорт ҳодисалари, ўз-ўзига зарар етказиш ва шахслараро зўравонлик натижасида вафот этган. 284 минг киши юқумли касалликлар қурбонига айланган.

Оғриқли нуқталардан яна бири шундаки, 600 минг одамнинг ҳаётдан эрта кўз юмиши психофаол моддалар қабул қилиш билан боғлиқдир.

Энг ёмони, спиртли ичимлик ёки психотроп моддалар қабул қилиш ортидан келаётган офатлар бир мамлакат ёки бир ҳудудга тегишли эмас, глобал характердаги фожиа.

Фожиа ичидаги фожианинг яна бири спиртли ичимликлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг энг юқори улуши, яъни 13 фоизи 20-39 ёшдаги аҳоли қатламига тўғри келаётганидадир. Эътибор беринг, бугун дунёдаги 15-19 ёшли ўсмирларнинг 23,5 фоизи «пиёниста»лар қаторида. Уларнинг катта қисми Европа минтақаси (45,9 фоиз) ҳамда Шимолий ва Жанубий Америка (43,9 фоиз)да яшайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, спиртли ичимлик камида етти хил саратон касаллигига, жумладан, ичак ва кўкрак саратонига олиб келади. Дунёнинг кўплаб давлатларида демографик муаммолар кўндаланг бўлиб турган бир вақтда айнан репродуктив ёшдаги ўрта қатламнинг ичкилик ва психотроп моддалар қабул қилишда «яловбардорлиги»ни изоҳлашга эса тил ожизлик қилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шунинг учун ҳам жамики давлатларни 2022-2030 йилларга мўлжалланган алкоголга қарши глобал ҳаракат режасини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни кучайтиришга чақирмоқда. Аммо, бу чақириққа ким қандай жавоб бераётгани мазкур ташкилотнинг 2024 йилдаги маълумотларида кўзгудагидек акс этиб турибди: натижа = 0!

Жаҳонда шундай! Ўзимизда-чи? Афсуски...

Шу ўринда яқинда, аниқроғи, жорий йилнинг 3 январь куни Нукус шаҳрида содир бўлган воқеани эслайлик. ФВВга қарашли ҳарбий қисмда бир йиллик хизматни ўтаётган оддий аскар Максим Гаранин ҳарбий қисмдан чиқиб кетиб, маст ҳолатда, ўткир тиғли жисм билан эшиги очиқ турган хонадонга киради ва уй соҳибаси – келинчакка тегажоқлик қилади. Сўнгра, унинг турмуш ўртоғини пичоқлаб, бир неча кишига сабабсиз тан жароҳати етказади, оқибатда жабрланувчиларнинг бири вафот этади.

Андижонда эса 22 нафар фуқаро ноқонуний йўл билан ишлаб чиқарилган алкоголь истеъмол қилиш оқибатида заҳарланди, беш киши вафот этди.

Мана, ичкиликнинг оқибатлари...

Юқоридаги бир-биридан оғриқли муаммолар ҳақида ўйлаганда, таниқли адиб Тоҳир Маликка дўстларидан бири: «Менинг қўлимни қайтарма, юз грамм ол», дея хиралик қилганида адибнинг: «Дўст бўлсанг, айт-чи, шуни ичиб, бири икки бўлган ёки маст ҳолда уйига келганида севиниб кетган бирон бахтиёр оилани кўрганмисан? Агар кўрган бўлсанг, қўлингни қайтармайман» дегани ва «хира» улфат қўлини кўтариб «таслим» бўлгани эсга тушади.

**МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, СПИРТЛИ ИЧИМЛИК КАМИДА ЕТТИ ХИЛ САРАТОН КАСАЛЛИГИГА, ЖУМЛАДАН, ИЧАК ВА КЎКРАК САРАТОНИГА ОЛИБ КЕЛАДИ. ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРИДА ДЕМОГРАФИК МУАММОЛАР КЎНДАЛАНГ БЎЛИБ ТУРГАН БИР ВАҚТДА АЙНАН РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ ЎРТА ҚАТЛАМНИНГ ИЧКИЛИК ВА ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА «ЯЛОВБАРДОРЛИГИ»НИ ИЗОҲЛАШГА ЭСА ТИЛ ОЖИЗЛИК ҚИЛАДИ.**

Яна мана бундай ривоят бор: бир кишига учта шарт қўйилади: ё аёлнинг номусига тегиш, ё болани ўлдириш ё хамр ичиш. Кимса оғир ўйга ботади. Қандай қилиб бир муштипарнинг номусини топтайди ёхуд норасида гўдакни ўлдиради? Ўйлаб-ўйлаб, охири ичимликни танлайди. Кейинги воқеалар ривожи эса зукко ўқувчига маълумдир. Ичиб, сархуш бўлган кимсада энди аёлга яқинлашиш истаги пайдо бўлади, кейин воқеага гувоҳ бўлган болани ўлдиради...

Ҳа, донолар бекордан бекорга «Ичкилик – барча ёмонликларнинг дояси!» демаганлар.

Инсониятнинг ҳаёт булоғини заҳарлаётган оғуларнинг яна бири тамаки ва тамаки маҳсулотларидир. Очиғини айтганда, бу икки оғу бир қориндан талашиб тушган эгизак шайтонларга ўхшайди. Бир-бирини етаклаб юради. Электрон тамакиларнинг пайдо бўлгани эса дард устига чипқон бўлмоқда. Бугун дунёнинг аксарият ривожланган давлатлари тамаки маҳсулотларини чекишни тақиқловчи қонунлар қабул қилмоқда. Албатта, бу бежиз эмас. Мавжуд ҳолат, жамиятдаги аҳвол шундай йўл тутишга қонун ишлаб чиқарувчиларни мажбур этмоқда.

**Яна маълумотларга мурожаат қиламиз. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили дунёда 8 миллиондан ортиқ одам тамаки чекишдан вафот этади. 7 миллион киши тўғридан-тўғри тамаки истеъмол қилиш натижасида ўз умрига зомин бўлади, 1-2 миллионга яқин киши ёнида-яқинида чекаётганлар тутунидан заҳарланиб, ҳаёт билан хайрлашади.**

Тақдир тақозоси билан АҚШга кўчиб кетган бир ҳамкасбимиз билан баъзида гаплашиб турамиз. Яқинда ёзғириб қолди: «Уйда чекиш мумкин эмас, кўчада, жамоат жойларида мумкин эмас. Одамлардан ўн қадам узоқда чекасан...».

Ҳа, дунё шундай кураш йўлига аллақачон ўтган. Масалан, Италияда ҳам одамлардан камида 10 метр узоқда чекиш мумкин, акс ҳолда, 240 евро жарима солинади. Бу мамлакатда ўйин майдончалари, қабристонлар, автобус бекатлари, боғлар ва спорт иншоотларида чекиш аллақачонлар тақиқланган.

Келинг, энди хорижни бир четга қўйиб, ўзимиздаги вазиятни таҳлил қилиб кўрайлик. Маълумотларга қараганда, 2021-2023 йилларда Ўзбекистонга 28,5 миллион долларлик 5,4 миллион дона электрон сигарета олиб кирилган. Бунинг устига, 11,8 миллиард сўмга яқин маҳсулотни ноқонуний равишда олиб келишга уринишлар бўлган. Кузатувлар шуни кўрсатадики, ўсмирлар ва ёшлар катталарга қараганда электрон сигаретага мойилроқ. Яъни, улар катталардан кўра уч баравар кўпроқ чекишади.

**Мактаб ва жамоат жойларида ўтказилган рейдларда ҳам ўқувчилардан олинган электрон сигареталар сони йилдан-йилга ошиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, бу кўрсаткич 2019 йилда 6 та бўлган бўлса, 2020 йилда 27 та, 2021 йилда 31 та, 2022 йилда 856 та, 2023 йилда 1040 тани ташкил этди. Бугун биз кескин чоралар кўрмасак, келгусида ёш авлоднинг ҳар бешинчиси (20 фоизи) никотинга қарамликдан азият чекиши мумкин.**

Энди мана бу рақамларга эътибор беринг: мамлакатимиз аҳолисининг (18-69 ёшдаги) 16,5 фоизи – эркакларнинг 32,9 фоизи, аёлларнинг 0,8 фоизи тамаки чекади. Афсуски, аёлларнинг аксарияти тамаки маҳсулоти истеъмол қилишини тан олмайди. Бундан-да ачинарлиси, 13-15 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг 1,7 фоизи тамаки чекиши аниқланган. Уларнинг 9 фоизи эса, минг афсуски, қиз болалар.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 майда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги янги қонунига кўра, мамлакатимиз ҳудудига чекилмайдиган тамаки маҳсулотлари, жумладан, никотин маҳсулотлари олиб кириш ва сотиш тақиқланади, нос бундан мустасно. Шунингдек, кўчада тамаки маҳсулотларини сотувчилар ҳам солиқ тўлайди. Мактаблар атрофида тамаки маҳсулотларини сотиш масофаси эса 300-500 метрдан 100-200 метрга қисқартирилди. Бу жаҳон тажрибасига мос, дея изоҳланди.

Янги таҳрирдаги қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг назоратига алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, олдин алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдо марказларида бемалол реклама қилиб сотилган бўлса, янги қонун билан энди бу тақиқланади. Бундан ташқари, вояга етмаган харидорларга тамаки маҳсулотлари сотган сотувчи ёки вояга етмаган фарзандларига тамаки олиб келишни буюрган ота-оналарга ҳам жазо белгиланади. Шунингдек, тамаки маҳсулотларини доналаб сотиш ҳам тақиқланади.

Одамлар нега бу заҳриқотилга бунча ўч, бунча ружу қўяди?.. Айнан шу балолар ортидан оила аталмиш муқаддас қўрғонлар бузилиб кетяпти, ёш жонлар нобуд бўляпти, етим болалар кўпаймоқда, чекиш ортидан турли хил касалликка мубтало бўлганлар сони кўпаймоқда, қадриятлар пароканадаликка юз тутмоқда. Нега? Чунки кўпларимизнинг бепарволигимиздан ташқари, масалага доир мавжуд қонунларда ҳам анча-мунча камчиликлар, етишмовчиликлар бор.

Янги таҳрирдаги қонун ҳаётимизни заҳарлаётган офатларга қарши кескин чоралар кўришга олиб келиши билан аҳамиятлидир. Ҳужжатнинг айрим қисмлари 3 ойдан сўнг, тадбиркорларга боғлиқ қисмлари эса 1 йилдан сўнг кучга киради.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонуннинг қабул қилиниб, кучга кириши жуда кўплаб муаммоларнинг олдини олишга, ичкилик ва чекиш ортидан келаётган зарарларни камайтиришга, соғлом турмуш тарзини кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳаёт булоқларига қуюлаётган оғудан батамом халос бўлиш учун эса ҳаммамиз бир мушт бўлиб курашмоғимиз шарт.



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси аъзоси*

# Темур туғида акс этган ҳалқалар сири нимада эди?



Амир Темурнинг байроғи мовий рангда бўлиб, ўртасида учта кулранг доира жойлаштирилган. Ўша замонлар суратларида у баъзан иккита доира пастда, биттаси юқорида, баъзан эса иккита доира юқорида, биттаси пастда турган ҳолда тасвирланган. Бу байроқ бизгача етиб келмаган бўлса-да, у ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд. Хусусан, Руи Гонсалес де Клавихо эсдаликларида ёзиб қолдиришича, *«Темурбекнинг туғросида учта айлана тасвирланган бўлиб, бу унинг дунёнинг уч қисми ҳукмдори эканини билдирган...»*.

Мазкур давлат белгиси «туғ», «байроғ», уни тутиб турувчи шахслар эса «туғсоба», «туғдор», «байроқбардор» деб аталган.

Амир Темур байроғидаги уч доира аслида Амир Темурнинг тамғаси бўлган ва бу хусусда тарихчи Ибн Арабшоҳ *«унинг отларидаги тамға, танга-ю тиллоларига зарб бериладиган (асосий) белги ҳам мана шундай уч ҳалқадан иборат эди»* деб айтиб кетган.

Давлат байроғидан ташқари юксак даражали қўшинбошилар, ҳарбий бирикмаларнинг ҳам ўз туғлари бўлгани маълум. Шу тариқа, ўзини кўрсатган ҳарбийлар рағбатлантирилган, ҳам жанговар бўлинмаларнинг бир-биридан ажралиб туришига эришилган. Шу ўринда «Темур тузуклари» асарининг «Катта ноғора ва байроқ бериш тузуги» эътиборни тортади:

*«Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора берилсин. Амир ул-умарога байроқ ва ноғора, тумон туғи ва чортуғ тақдим этсинлар. Мингбошига эса бир туғ ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ноғора (табл) берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса, биттадан бурғу тақдим этсинлар. Тўрт беглабегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ноғора, чортуғ ва бурғу берсинлар. Ўн икки амирдан қайси бири душман фавжини синдирса ёки ғаним қўли остидаги бирор мамлакатни фатҳ этса, уни тақдирлаб, агар биринчи даражали амир бўлса, иккинчи даражали, иккинчи бўлса, учинчи даражали, учинчи бўлса, тўртинчи даражали амир мартабасини берсинлар. Шу тартибда ўн биринчи даражали амиргача давом эттирсинлар, Агар ўн биринчи даражали амир бўлса, уни ўн иккинчи даражали амир қилиб, байроқ, туғ ва ноғора берсинлар. Шу йўсинда биринчи (даражали) амирга битта туғ, иккинчисига – иккита, учинчисига – учта, тўртинчисига – тўртта туғ ва ноғора бериб, уларни тумонтуғ ва чортуғ олиш мартабасига етказиб рағбатлантирсинлар».*

Байроқ қўшинни бирлаштириб, тартибни сақлашда муҳим восита бўлиб, ҳарбий юришларда ҳукмдор қароргоҳида бош байроқ ўрнатилган. У барчага кўринадиган юксакликда ҳилпираб турар экан, олий ҳукмдорнинг шу ердалигидан дарак саналган.

Жангда ҳарбий қисм байроғини қўриқлашга алоҳида аҳамият беришган. Чунки жангда байроқлар орқали қандай усул қўллаш, чекиниш ёки ҳужум қилиш ва бошқа шунга ўхшаш кўрсатмалар бериб борилган.

Байроқнинг ерга улоқтирилиши мағлубият саналган. Жангда душман томоннинг байроғи тортиб олиниши ёки уриб туширилиши батамом ғалабага эришилганидан далолат берган. Бунга мисол қилиб, Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида юз берган 1391 йилги Қундузча жангини келтириш мумкин. Унга кўра, Амир Темур Тўхтамишхоннинг байроқдорини ўз томонига оғдириб олади ва жанг палласида байроқдор мотам белгиси сифатида тўққиз буқанинг думи боғланган мўғул туғуни чанг-тупроқ орасига улоқтиради. Тўхтамишнинг аскарлари бу ёлғон белгига ишониб, жанг майдонидан тумтарақай бўлиб қочиб қоладилар.

Тарихчи Муиниддин Натанзийнинг ёзишича, Шероз ҳукмдори Шоҳ Мансур билан бўлган жангда (1393) душман тўсатдан Амир Темурнинг марказда турган хос соябони ва байроғига ҳужум қилади. Шунда байроқбардор қочиб, Соҳибқирон асосий қўшиндан ажралиб қолади. Аммо Амир Темур унинг ҳужумига муносиб қаршилик кўрсатиб, ҳамлани қайтаради. Шоҳ Мансур қочиш йўлини тутишга мажбур бўлади. Ушбу воқеа шунчалар тез юз берганки, атрофдагилар сезмай ҳам қолганлар. Бўлмаса, олий ҳукмдор қароргоҳида бўлаётган олишувлар, энг муҳими, туғсобанинг йўқлиги бутун қўшинда саросима уйғотиши ва уруш тақдирини ҳал этиши турган гап эди.

Ўша вақтларда забт этилган ёки ўзини тобе деб билган шаҳар ва қалъаларнинг деворлари устига ғолиб ҳукмдорнинг байроғи осиб қўйилган. Масалан, Амир Темурга ўз тобелигини билдиргани келган юнон элчилар Константинополга қайтгач, Перадаги (ҳозирги Галата) минораларига Соҳибқироннинг байроғини кўтарганлар.

Туғнинг аҳамиятига яна бир ёрқин мисол Султониянинг забт этиб бўлмас саналмиш Қалъаи Сафеди Амир Темур томонидан эгалланиши билан боғлиқдир. Душман жуда қаттиқ қаршилик кўрсатаётган пайтда Оқбуғо исмли бир сипоҳий қояга тирмашиб чиқиб, мардлик кўрсатади. Бошқалар ундан ибрат олиб, байроқларини ёйиб, от думи боғланган туғларини бош-лари узра баланд кўтариб, жангга отланганлар. Шу тариқа руҳлантирилган аскарлар қалъани эгаллаганлар, кейин эса Амир Темурнинг байроғини қалъа деворларига қадаганлар. Бу қалъа тўлиқ Амир Темур қўл остига ўтганини англатган.

Амир Темур қўшини кўп ҳолларда ҳарбий байроқлар рангига мутаносиб равишда кийинган. Манбаларда қайд этилишича, Йилдирим Боязид билан бўладиган жанг арафасида Муҳаммад Султон билан Самарқанддан келган қўшиннинг ҳар бир қисмида алоҳида рангли ўз туғи бўлиб, унинг аскарлари-ю отлари ҳам айнан шу рангдаги совут, зирҳ, қалқон, эгар, ёпинчиқ, ўқдон, халта ва найзалар билан таъминланганлар. Масалан, тўқ қизил рангдаги байроқлар тўқ қизил рангдаги жуллар, қалқонлар, садоқлар, камарлар ва тўқалар билан уйғунлашиб кетгани. Шу алфозда оқ, яшил, қирмизи ва бошқа рангдаги қўшинлар турган.

Ватан тимсоллари ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Хусусан, байроқ мудом ор-номусни уйғотувчи беқиёс куч сифатида озодлик, ватанни севишга даъват этиб, миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган. Буюк Амир Темур ҳам бу қадриятни улуғ билган ва шунга монанд иш тутган.

**Камола ҚАЮМОВА,**
*Тарих институти кичик илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори*

# бугун

## Жанубий Калифорнияда ёнғин

Жанубий Калифорниядаги қуруқ ва шамолли об-ҳаво туфайли ёнғин хавфи ҳамон сақланиб қолмоқда. Маълумотларга кўра, ёнғинлар 8 миллиондан ортиқ аҳолининг тинчини бузиши мумкин.

7 январь куни Лос-Анжелесда бошланган кучли ўрмон ёнғинлари ҳозиргача давом этяпти. Сув танқислиги ва шамоллар ёнғинларни ўчиришни қийинлаштирмоқда.

Табиий офат туфайли 180 минг нафардан ошиқ киши уйларини тарк этишга мажбур бўлди, минглаб бинолар ёниб кетди. Лос-Анжелесда кўплаб Голливуд юлдузлари, жумладан, Мэл Гибсон, Энтони Хопкинс ва Парис Хилтон уй-жойсиз қолишди.

Оммавий ахборот воситалари Лос-Анжелес округи суд-тиббиёт экспертизаси маълумотларига таяниб, Калифорниядаги ёнғинларда 24 нафар киши ҳалок бўлгани ҳақида хабар бермоқда.



## режалаштирилмоқда

ракат қилмоқда – бу ҳар бир сурияликнинг ҳуқуқидир. Биз мамлакат халқи манфаатларига мос келадиган янги таълим лойиҳаси устида ишлаяпмиз», деди вазир.

## Эрдоған президентликка яна номзод бўлиши мумкин



Туркия парламенти 2027 йилнинг иккинчи ярмида муддатидан олдин сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилса, Эрдоған яна давлат раҳбари лавозимига номзодини қўйиши мумкин.

Бу ҳақда Туркия президентининг катта маслаҳатчиси, Туркия президенти қошидаги Ҳуқуқий сиёсат кенгаши раиси ўринбосари Меҳмет Учум маълум қилди.

2017 йилдаги референдум натижасида Туркия президентлик республикасига айланган эди. Амалдаги конституцияга мувофиқ, давлат раҳбари икки муддатдан ортиқ лавозимни эгаллай олмайди. 2023 йил май ойида Эрдоған беш йиллик муддатга иккинчи бор сайланди. Сайловолди кампанияси даврида мухолифат партиялар Эрдоғаннинг президентликка учинчи бор номзод бўлаётганини таъкидлашган эди. Чунки у 2014-2018 йилларда парламент республикаси даврида ҳам президент бўлган.

Бир кун олдин Эрдоған Шонлиурфа шаҳрида Адолат ва тараққиёт партиясининг вилоят бўлимлари қурултойида чиқиш қилди.

Шу жараёнда машҳур турк қўшиқчиси Иброҳим Тотлисас билан суҳбатлашди. Қўшиқчининг «Кейинги президентлик сайловида қатнашасизми?» деган саволига Эрдоған «Агар сен рози бўлсанг, мен ҳам розиман», деб жавоб қайтарди.

## Эълонлар

2021 йил 10 февралда Муроджонов Хуршиджон Муроджонович номига берилган 4-рақамли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

1993 йил 8 январда Годлевская Наталья Николаевна номига берилган 01-02/1897 рақамли мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги «DONO-ZEBO-ZAHRO» МЧЖга «Дўстлик» массивидан иссиқхона қуриш учун берилган кадастр ҳужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.



Илмсиз миллат, қавм асир ва заиф қолур.
Илмсиз давлатнинг фойдаси йўқ, илмсиз дунёдорнинг ҳаёти йўқ.

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

2025-YIL 14-YANVAR
SESHANBA
№ 7 (5071)




**Бугунги кунда замонавий технологиялар ва янгиликлар одамлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, турмуш даражасини оширишда муҳим омил вазифасини ўтамоқда.**

# Инновациялар фаровонликка хизмат қилади

Маҳаллий ҳамда хорижий олимлар инновациялар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи эканини эътироф этишмоқда. Дунё иқтисодиёти ва ижтимоий ривожланишда инновациялар ҳал қилувчи ўрин тутаётганини инкор этиб бўлмайди.

Бугун инсон капиталининг миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдаги ўрнини аниқлаш, ундан самарали фойдаланиш борасида тегишли шарт-шароитларни яратиш масалалари илмий изланишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири. Бу борадаги изланишларда инсон капитали ривожланганлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш муҳим.

Инновацион ривожланишга тўсқинлик қилаётган муаммолар қаторига ҳудудий шароитда ўзгаришларнинг кўлами, тезлиги ва чуқурлигидаги фарқ ҳам киради. Турли зиддиятлар вужудга келиши асносида номутаносибликлар ўсиши ҳудудларнинг инновацион тараққиётида фарқланишларни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, инновацион ривожланиш даражасини белгилаб берувчи омилларни ҳар жиҳатдан ўрганишни тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида Ўзбекистонни 2030 йилгача бўлган муддатда аҳоли даромади ўртачадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига, глобал инновацион индексида етакчи 50 мамлакат сафига олиб чиқиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун барча йўналишларда кенг имкониятларни яратиш, тадқиқотлар ва инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий қилиш каби вазифалар белгилаб берилишининг ўзиёқ инновацион иқтисодиётни қарор топтириш масаласи миллий иқтисодиёт учун нақадар муҳимлигидан далолат беради.

Инновацион тараққиётнинг янги моделига ўтиш тўпланиб қолган салбий жараёнларни енгиб ўтиш ва иқтисодий ўсишни бирданига тезлаштириш имконини бермайди. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг янги инновацион моделини қарор топтиришда инновацион салоҳиятдан фойдаланишни жадаллаштириш, иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, инновацион хўжалик тизимлари самарали фаолият кўрсатишига имкон берувчи янги институционал тузилмаларни яратишга алоҳида урғу бериш талаб қилинади.

Ҳозир жаҳонда бизнес, фан ва давлатнинг ўзаро алоқаларига асосланган инновацион тараққиётнинг тўртта модели мавжуд. Мамлакатлар муайян шарт-шароит ва омилларни ҳисобга олиб, у ёки бу моделни танлашади. Инновацион тараққиёт моделларининг афзалликларини таққослаш ва уларни ўрганишда олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш ва давлатнинг ўзаро муносабатларига асосланувчи «учламчи спирал» модели катта қизиқиш уйғотади. Мазкур моделда инновацион иқтисодиёт асосларини шакллантиришда олий таълим муассасаларига катта эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан олганда, олий таълим муассасаларида кадрларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, олий ўқув юртларини замонавий ўқув адабиётлари билан таъминлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Халқаро Нордик университети профессори, иқтисод фанлари доктори Акрам Ҳошимов томонидан олий таълим муассасалари талабалари учун тайёрланган «Инновацион иқтисодиёт» номли дарслик юқорида тилга олинлган вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Дарслик амалдаги давлат таълим стандартлари, малака талаблари асосида тайёрланган ва уни тайёрлашда маҳаллий ва хорижий олимларнинг соҳага оид ўқув адабиётлари ва илмий материаллардан кенг фойдаланилган.

Ундаги мавзулар мантиқий кетма-кетликда берилган бўлиб, мавзуларни босқичма-босқич ўзлаштириш асосида инновацияларнинг иқтисодий мазмун-моҳияти, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида етарлича билим ва кўникмалар шаклланади. Дарсликка киритилган мавзуларни баён қилишда дастлаб у бўйича саволлар, унинг қисқача шарҳи, туб моҳиятини англаб етишга хизмат қилувчи амалий ҳаётдан мисоллар келтирилган. Сўнгра мавзу саволлари маҳаллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, жадвал ва чизмалар ёрдамида батафсил ёритилган. Ҳар бир мавзу сўнгида қисқача хулосалар, олинган билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар, шунингдек, мавзуни ўзлаштириш бўйича тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Дарсликда бир-бирини тўлдирувчи мавзулардан сўнг фан бўйича олинган билимларни янада мустаҳкамлаш, билимларни текшириб кўриш учун турли тест саволлари келтириб ўтилган. Шу билан бир қаторда, иқтисодий луғатни бойитиш мақсадида фанга оид асосий тушунча ва атамалар луғати тавсия қилинган.

*Дарслик билан танишиб чиқар эканман, Авраам Линкольннинг* ***«Менинг энг яхши дўстим, бу менга ҳали ўқимаган китобни совға қилган инсондир»*** *деган гапи ёдимга тушди. Иқтисодиёт фанлари доктори Акрам Ҳошимовга ўқувчиларга «ҳазми осон» дарсликни тайёрлаб, тақдим қилгани учун миннатдорлик билдирамиз. Ўйлаймизки, «Инновацион иқтисодиёт» дарслиги Ўзбекистонда иқтисодиёт фани ривожига муносиб ҳисса қўшади.*



**Муҳаммад Али САИДОВ,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

# Чироғи ўчмаган МАДРАСА

**Қадимдан дунё тамаддуни, Шарқнинг диний, маданий ва маърифий марказларидан бири бўлиб келган Бухорода бугунги кунда 997 та меъморий ва археологик ёдгорлик мавжуд. Уларнинг 660 таси бевосита маданий мерос объектлари саналади.**



Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасаси шайбонийлар хони Убайдуллахон (1487-1540 йиллар) хонлиги (1533-1540 йиллар) даврида бунёд этилган. Убайдуллахон (Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абулхайрхон) Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни, укаси Маҳмуд Султоннинг ўғли.

Хожа Аҳрор Вали Убайдуллахоннинг отасига диний раҳнамо бўлгани боис, унинг ўғлини ўз номи билан Убайдуллахон деб аташни марҳамат қилган. Убайдуллахон тасаввуф бўйича дастлабки сабоқни отасининг пири Мавлоно Муҳаммад Қозидан олган. Убайдуллахонга ўз даврининг машҳур уламолари устозлик қилишган.

Убайдуллахонга давлат арбоби ва саркарда амир Саййид Абдуллоҳ Яманий ҳарбий санъатдан сабоқ берган ва ўзига мурид қилиб олган. Бу шахс халқ орасида Мир Араб номи билан ҳам танилган.

Убайдуллахон Шайбонийхон ҳукмронлиги даврида Бухоро ҳокими сифатида (1504 йилдан) фаолият кўрсатган. У Шайбонийхоннинг Хоразм, Балх, Ҳирот ва Машҳадга қилган ҳарбий юришларида фаол иштирок этган.

Шайбонийхон ўлимидан сўнг унинг ўрнига Кучкинчихон (1510-1530 йиллар) хон этиб кўтарилган бўлса-да, давлатнинг асосий сиёсатини Убайдуллахон юритган. Убайдуллахон бошчилигидаги қўшин 1512 йилда шоҳ Исмоил Сафавий ва Бобур Мирзонинг бирлашган қўшини устидан Ғиждувон жангида ғалаба қозониб, Мовароуннаҳрни шайбонийлар қўлида сақлаб қолган.

1513 йилда Убайдуллахон бошчилигидаги қўшин Хуросонга ҳарбий юришлар қилиб, Марв, Машҳад, Ҳирот ва бошқа шаҳарларни эгаллаган. Кучкинчихоннинг вафотидан кейин қисқа муддат унинг ўғли Абу Саидхон тахтга ўтирган. 1533 йилда Абу Саидхоннинг вафотидан сўнг, туркий анъанага биноан, султонлар ичида ёши улуғи саналган Убайдуллахон шайбонийлар сулоласининг хони бўлган. Пойтахт Самарқанддан Бухорога кўчирилиб, мамлакат Бухоро хонлиги деб эълон қилинган.

Убайдуллахон ҳукмронлиги даврида Бухоронинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний марказ сифатидаги мавқеи янада кучайди. Бухорода Мир Араб мадрасаси, Мирак Сайд Ғиёс боғи, Зарафшон дарёси устида Меҳтар Қосим кўприги ва бошқа иншоотлар қурилди.

Убайдуллахон ўз даврининг кучли ҳукмдорларидан бири бўлиши билан бирга, туркий, форс ва араб тилларида Убайдий тахаллуси билан шеърлар ёзиб, девон тузган. У мусиқа яратиш ва ашула айтиш билан ҳам шуғулланган, насталиқ хатида Қуръони каримни ёзишни пухта билган. Яссавия ва нақшбандия тариқатларига эътиқод қилиб, шайх сифатида муридлар ҳам тарбиялаган.

Мир Араб мадрасаси Убайдуллахон фармони ва нақшбандия тариқати ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур шайх Саййид Абдуллоҳ Яманийнинг ташаббуси билан 1530-1536 йилларда шаҳарнинг Шаҳристон майдонида, яъни Масжиди Калон ва Минора Калоннинг шарқий томонида қурилган. Бу билан мазкур манзил гўзал бир меъморий мажмуа сифатида шаҳарнинг диний-маънавий марказига айланган.

Мадраса Убайдуллахон, Мир Араб ва бошқа кўплаб вақф мулклари маблағлари ҳисобига қурилган. Мадрасанинг меъморий шакли тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, мадрасалар қурилиши анъанавий услубда бунёд этилган. Бинонинг ташқи томонлари тўлалигича пишиқ ғиштлар билан ёпиқ ҳолда қурилган.

Мадрасанинг умумий тарҳи 68,5X51,8 метрни, тўртбурчак шаклидаги ҳовлиси 35,4X31,3 метрни, дарсхона 8,0X8,0 метрни ташкил қилади.

Мадраса барпо этилаётганда унинг асоси чуқур қилиниб, тоғ тошлари билан тўлдирилган, қор, ёмғир сувини қочириш учун тазарлар ишланган. Шунингдек, мадрасанинг ҳар бир хонасида таҳорат олиш учун махсус жойлар қилиниб, уларнинг сувлари ҳам шу тизим орқали шаҳар кўрғонидан ташқарига чиқариб юборилган.

Мир Араб мадрасасида Марказий Осиё диний мактаблари қурилишига хос анъанавий лойиҳа ўз ифодасини топган. Мадрасанинг кириш портали олд томони икки қаватли ва балконли қилиб қурилган. Кириш дарвозаси улкан пештоқ остида жойлашган, у ғарб томонга қараган, унга ҳашаматли баланд пештоқдан кирилади, дарвоза орқасида 5 гумбазли миёнсарой жойлашган. Билим даргоҳи шаҳардаги мадрасалардан икки улкан мовий гумбази билан ажралиб туради. Бинонинг ўнг томонидаги гумбаз остида масжид, чап томонидаги гумбаз остида хилхона жойлашган. Мадрасанинг гумбазлари қўшқаватли бўлиб, у қовунсимон нусхада бунёд этилган. Гумбазларнинг ташқи томони мовий нақшинкор кошинлар билан қопланган.

Ташқаридан қараганда, бино икки, ичкари томондан эса тўрт қаватли қилиб бунёд этилган.

Бинони шимол ва жанубдан эсадиган шамолдан сақлаш, мадраса ҳовлиси ва атрофи ҳавосини мўътадил сақлаб туриш мақсадида шимолий ва жанубий пештоқлар жуда баланд – 32 метрдан қилиб кўтарилган. Ғарбий ва шарқий томонда жойлашган пештоқлар пастроқ қурилган. Бундан мақсад бино ичида ўзига хос микроиқлим яратиш бўлган.

Ҳужраларни тўртта улкан пештоқ ажратиб туради ва уларнинг сони Қуръони карим суралари сонига мос равишда 114 тани ташкил этади. Кўҳна ва кўркам мадрасанинг гумбазлари кошинлар билан қопланган, уларга маълум миқдорда тилла, кумуш, мис, кўрғошин ишлатилган. Бинодаги тўртта улкан пештоқ Қуръони карим оятлари билан безатилган. Бинонинг шарқий томони бурчакларида талабалар дарс ўтиши учун дарсхоналар жойлаштирилган.

«Илм олмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздур» деган ҳадиси шариф мазкур мадрасанинг ҳам киравериш пештоқига араб ёзувида битиб қўйилган. Шунингдек, пештоққа «Кечаси бир соат илм олмоқ туни билан ибодат билан қоим бўлмоқдин кўра афзалроқдур», деган ҳадиси шариф ҳам битилган.

Мадраса Марказий Осиё ҳудудидаги энг нуфузли олий диний таълим муассасаларидан бири бўлган. Унинг мударрислари ўша даврнинг энг илғор олимлари ҳисобланишган. Жумладан, бу ерда узоқ вақт Аҳмад Дониш талабаларга илм сирларини ўргатган. Бу улуғ даргоҳда Бухоро амирлари Амир Шоҳмурод, Амир Ҳайдар, жадидчи олимлар Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва бошқа кўплаб буюк зотлар, дин раҳнамолари таҳсил олишган.

1920 йилда Бухоро хонлиги истило қилиниб, аэропланлар орқали бомбалар ёғдирилганда мадраса жуда қаттиқ шикаст кўрган. Ўшанда бош пештоқнинг салмоқли қисми ағдарилиб тушган, мадраса ҳовлисининг шимолий қисми бутунлай вайрон бўлган. Мадраса ўз иш фаолиятини тўхтатган, мадраса мударрислари таъқиб остига олинган, талабалар қувиб юборилган. Ўша даврда қизил аскарлар мадрасадан казарма сифатида фойдаланишган, бу ерда асрлар давомида тўпланган диний ва дунёвий китобларни бинони иситиш учун ёқишгани оқибатида мадрасанинг киравериш гумбазларидаги ғиштлар қорайиб кетган.

Мадраса фаолияти Ўрта Осиё мусулмонлари диний идорасининг ўша даврдаги раҳбари Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ташаббуси билан 1945 йилдан бошлаб қайта тикланган ва 1989 йилгача собиқ шўролар ҳудудидаги ягона исломий-диний ўрта махсус таълим муассасаси бўлган.

Мазкур билим даргоҳини Ўзбекистоннинг собиқ муфтийси Усмонхон Алимов, Россия муфтийлар кенгаши раиси Равиль Гайнутдин, Озарбайжон муфтийси Оллоҳшукур Пошшозода, Қозоғистон муфтийси Ратбек Нисанбойўғли, Чечен Республикаси собиқ Президенти Аҳмад Қодиров, Россия Олий муфтийси Тожиддин Талгат Сафич, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва бошқалар битирганлар.

Салкам беш юз йил давомида илм нурини таратишдек эзгу йўлда хизмат қилиб келаётган мазкур мадраса Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Россия, Кавказ, Озарбайжон, Доғистон каби давлатлар мусулмонлари ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутган илм даргоҳларидан бири. У асрлар давомида минтақада муқаддас динимизни тарғиб этиш, уни турли фирқаларга бўлинишдан асраш, юртимизда тинчликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган.

Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан мадраса пештоқи ва гумбазларидаги нақшлар ва ёзувлар қайта тикланди. Мадраса 1993 йилда ЮНЕСКОнинг умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 10-11 март кунлари Бухорога ташриф буюрганида мадрасанинг мусулмон оламидаги ўрни ва нуфузи ҳақида тўхталиб, «Мадраса мусулмон дунёси уламолари, мактабдор, мударрис, қозилар, масжид имомлари ва турли даражадаги амалдорлар тайёрлайдиган ўқув юртидир», деган эди. Шунингдек, ташриф доирасида мадраса негизида Мир Араб олий мадрасаси ташкил этиш тўғрисида ҳам кўрсатма берганди. Айни пайтда ушбу муассаса ҳам фаолият кўрсатмоқда ва у учун янги бино қуриб ишга туширилган.

2018 йил июнь ойида Туркияда бўлдим. Меҳмонхонада дам олаётган сайёҳлар билан бирга шаҳардаги «Чарм маҳсулотлари ярмаркаси»га бордик. Бизни ярмарка раҳбарининг ўзи кутиб олди. Суҳбат асносида Ўзбекистондан келганимизни билиб, бизларга қардошлар дея алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатишди. Ўша кунлари Туркия Президенти Ражаб Таййип Эрдоған жаноблари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлганидан ва у юртимизда зўр тантаналар билан кутиб олинганидан нафақат туркияликлар, балки бутун дунё ҳамжамияти ҳам хабардор эди. Кўргазма раҳбари бир пиёла чой устида суҳбат қилиш истагида бизни офисига таклиф қилди. Офисда анча суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбатдошим Туркия Республикаси Президентининг юртимизга ташрифи тўғрисида ҳам тўхталди.

У «Эрдоған жаноблари яқинда мамлакатингизда бўлганида қадимий ва маҳобатли бинони зиёрат айлаб, у ерда тиловат қилди, ўша иншоот ҳақида гапириб бера оласизми?», деб сўради. Мен унга ўзим шу шаҳардан эканлигимни, мазкур иншоот Бухоро шаҳрида XVI асрда бунёд этилган Мир Араб мадрасаси эканлиги, Туркия Республикаси Президенти Ражаб Таййип Эрдоған рафиқаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан мазкур иншоотда бўлиб, шу жойда Эрдоған жаноблари Қуръон тиловат қилгани ҳақида гапириб бердим. Мазкур иншоотдаги хилхонага нақшбандия тариқатининг улуғ авлиёси Мир Араб ва ўша давр ҳукмдори Убайдуллахон дафн этилганини айтдим. Хуллас, мадрасанинг тарихи ва бугуни ҳақида билганларимни батафсил сўзлаб бердим. Мен суҳбатдошимга битта тарихий ҳақиқатни ҳам айтдим, яъни бу мадраса ташкил этилганидан бери давлат раҳбарлари орасидан биринчи бўлиб Ражаб Таййип Эрдоған жаноблари ташриф буюрганини алоҳида эътироф этдим.

«Бу мадраса сизлардаги энг қадимий мадрасами?» деб сўраб қолди суҳбатдошим. «Йўқ, албатта! – дедим мен. – То шўролар истилоси давригача, яъни XX асрнинг бошида Бухоро ҳудудида 200 га яқин мадрасалар бўлган, аммо Мир Араб мадрасаси собиқ шўролар даврида ҳам фаолият олиб боргани сабабли кўпчилик уни Бухоро шаҳридаги энг қадимий мадраса деган фикрга боради. Бу ерда Амир Темурнинг набираси, Мовароуннаҳр султони Улуғбек Мирзо ҳам жуда катта ва маҳобатли мадраса қурдирган. Бухорода илк бор қурилган мадраса «Форжак» деб номланган ва буюк тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида бу мадраса ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Умуман олганда, юртимизда мадрасалар қурилиши тарихи 1200 йилдан нариёғига бориб тақалади...».

Суҳбатдошим бошини чайқаб ва ҳайратланиб, сўзларимни тинглади. Кўзлари чақнаб кетди, ўзига янги бир олам кашф этгандек хурсанд бўлиб, миннатдорлик билдирди.

Суҳбат анча давом этди. Гурунг сўнгида суҳбатдошим «Юртингизга борсам, албатта, Мир Араб мадрасасини зиёрат қиламан, иншооллоҳ, шу кунларга етказсин!» деди.

Бу суҳбат хотирамга бир умр муҳрланиб қолди. Ҳар бир юрт фуқароси ўз юрти тарихи, маданияти ва адабиётини озми-кўпми билиши, уни ўзга юрт ва халқлар олдида ҳимоя қила олиши лозимлигига яна бир бор иқрор бўлдим.

Мир Араб мадрасаси бутун Шарқ мусулмон оламининг энг ноёб дурдоналаридан бири. Муҳтарам Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан унинг нуфузи ва салоҳияти янада ошиб, бугунги кунда шу номдаги олий мадраса ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Иншоолоҳ, бу мўътабар илм даргоҳининг чироғи абадул-абад ўчмагай.



**Муҳаммадқосим ОЛИМОВ,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши раиси*

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay'ati raisi),*
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*

Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** A. Haydarov
**Musahhihlar:** D. Xudoyberganova, D. Ravshanova
**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –** 23:20
**Topshirildi –** 23:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 32 360 та**
**Shundan:**
**6 263 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
**18 231 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
**7 866 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



*Ётиб ғору панода дийдаи
элдан ниҳондурман,
Жунун тугёнида тийри
маломатга нишондурман...*

Отажон ХУДОЙШУКУРОВ ижросида

*«ОНА СУВОРА»*

**Неъматбадал Партав (Партавий) сўзи**